

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ИЙЛ
ЧИКИШИ

№ 102 (4561).

25

МАЙ
ПАЙШАНБА

1972 ИЙЛ

Баҳоси 2 тийин.

КИМЁГАР ИХТИРОСИ

ЧИРЧИҚ. (ЎзТАГ). Аммиак селитраси кўп сақланганида уюшиб қолмасин учун пима қилиш керак? Давлат азот саноати институти Чирчиқ филиалининг ходими, техника фанлари кандидати В. А. Будков ихтироси мана шу саволга жавоб беради. Олим ишлаб чиққан технология бўйича селитра таёёр бўлгач, унга аммоний, калий ва кальций полифосфатлари улаш сепилади. Ўнгига шундай ишлов берилгач, бирон идишга солинмай уюлган ҳолида ўн ярим ой ётган бўлса-да, мушталамай тураверади.

Азот ўнгига полифосфат сепиш уни қопламай ташши ва сақлашга имкон беради. Бундан ташқари ўнгини ишлатиш оқидан уни тузга ахтиёж қолмайди ва ҳар тоннасида камида 7 сўм пул тежашга имкон беради.

ЎЗАШОНАЛАДИ

Ўтган йилги Янгйўл районидаги Киров номи колхоз деҳқонлари катта ютуқларни қўлга киритдилар. Хўжалик планлари ортиги билан бақаргиди. 670 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 ўрпага 33 центнердан «оқ олтин» тоширилди.

Колхоз деҳқонлари беш йилликнинг иккинчи йилида ҳар гектар ердан 35 центнердан нахта топиришга аҳд қилишди. Бу мажбуриятни, ортиги билан адо этиш учун курашаётган механизаторлар, сувчилар, колхозчилар ишчи илгорлар тажрибаси асосида ташкил этиб, янгидан-янг ишчиларни қўлга киритдилар. Ўза парвариши яхши кетяпти. Қатор оралиғига дастлабки ишлов бериш қисқа вақт ичида тамомланди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати, СССР Олий Советининг депутаты Турсунов Охунбошқоқ бригада аъзолари

бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан нахта топиришга енг шимаришди. Бригада хўжалида биринчи бўлиб ўзаги иккинчи марта ишлов беришни бошлаб юборди. Далаларни бегона ўт босишга йўл қўйилмапти. Ариқ олиниб, илголларни сугоришга ҳозирлик қилинмоқда. Бригада далаларига кўчатлар авайлаб парвариш қилиняпти. Шу сабабли ҳар тундаги ўзалар беғубор ўсиб, бўйига бўй қўшмоқда. Кўчилик майдонларда ўзалар бешолтадан барг чиқариб қўйди. Беғубор ўсаётган ўзалар қий-қос шонага кирди.

Олоберди Абдуқодиров, Аҳмад Жўраев бошқиб бригада-ларда ҳам дала ишлари тезкорлик билан олиб боришмоқда. Ишчи кучларидан ва техникадан самарали фойдаланилди. Бригада аъзоларининг

деярлик ҳаммаси ўза парваришга сафарбар этилган. Колхоз механизаторлари ҳам ғайрат кўрсатяптилар. Мирзаали Қурбоналиев, Шерикбой Бекжонов, Наримон Раҳимов, Сервар Бекиров каби тракторчиларнинг ишини ҳар қанча мақтаса арийд. Техника тилини пухта билган бу механизаторлар ўза парваришида топиришга бир ярим-икки барабар етказиб адо этишяптилар.

Колхоз раҳбарлери ва партия ташкилоти далада меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштиришга мўносиб ҳисса қўшаётган деҳқонларга барча қўлайликларни яратиб бермоқда. Иссиқ оқат ташкил этилган. Болалар бочкаси ишлаб турибди. Дала ишчилари намунали ҳордиқ қиларди жойларидан бирнга айлантирилган.

— Буларнинг ҳаммаси, дейди партия раиси Абдураҳмон Юсупов, — дала меҳнатчилари ўзасида меҳнат унумдорлигини оширишга, иш сифатини яхшилашга яқиндан ёрдам бермоқда.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ИККИНЧИ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕХМОНЛАРИГА

СССР Министрлар Совети Осиё ва Африка мамлакатлари иккинчи халқаро кинофестивалининг қатнашчиларини ва меҳмонларини таърифлайди.

«Халқлар тинчлиги, социал тараққиёти ва озодлиги учун» шiori остида ўтказилган фестивалда Осиё ва Африка кино санъатининг арбоблари нег кўламда қатнашаётганлиги турли мамлакатлар ва қитъалар халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва маданий алоқалар муттасил ўсиб бораётганлигининг, кино санъати оми орасига тобора кириб бораётганлигининг муҳим далилидир. Мустақилликнинг эркинлик ҳақида бўлган халқларнинг миллий маданиятини демократик йўлларда ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятларнинг, улар билан Совет Иттифоқи халқларининг дўстлик алоқалари мустаҳкам бўлиб бораётганлигининг эркин ифодасидир.

Бу йил Осиё ва Африка мамлакатларининг прогрессив кинематографчилари Совет Ўзбекистонининг пойтахтида халқимизнинг катта байрами — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги арафасида тўнландилар.

Миллий муносабатлар ленинча принципларининг қудратли ҳаётий кучини Совет давлатининг бутун тарихи кўрсатиб турибди. Мамлакатимиздаги ҳамма миллатлар ва элатлар пролетар интернационализи байроғи остида жинслаганлиги — улуг Октябрь Социалистик Революциясининг ажойиб ғалабалари билан бирдир. Социализм қардош халқлар маданиятларини чинкам равишда топириб ва ўзаро билиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди. Кўп миллатли совет кинематографияси барпо этилиб, самарали ривожланиётганлиги, янги, коммунистик жамият қиёсини тарбиялашга катта ҳисса қўшаётганлиги ана шу муваффақиятларнинг эркин ифодасидир.

Халқларнинг маънавий ҳаётида, улар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда кинематограф санъати катта роль ўйнайди. Шу сабабли тараққиёт кучлари билан империалистик реакция кучлари ўртасидаги кураш тинимсиз давом этаётган ҳозирги шароитда кино арбобларининг ижтимоий позицияси, уларнинг социал ва миллий озодлик учун, халқларнинг равиш ва бахт-саодати учун кураши алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Совет ҳукумати Осиё ва Африка мамлакатларининг иккинчи халқаро кино фестивалига катта ижодий муваффақиятлар тилайди ҳамда шу мамлакатларнинг тараққиётига кино санъати муваффақиятлари ривожланиб, одамлар онига тинчлик, озодлик ва инсонпарварликнинг буюк идеалларини сингдиради, деб ишонч билдиради.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ПАРТИЯ БИЛАН БИРГАМИЗ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг йиғида бўлиб ўтган Пленуми барча тинчликсевар ишчилар каби бизнинг Тошкент экскаватор заводи ишчи-хизматчилари ҳам мамнуз қўтиб олдилар.

Маълумки, ватанимиз дастлаб ташкил топган кундан бери партия ва ҳукуматимиз тинчлик сийасатини қўллаб келмоқда. Барча халқлар, турли система вакиллари билан тинч-товуш яшаш совет ишчиларининг эъзу-орзу ниятларидир. Шунинг учун ҳам биз КПСС Марказий Комитетининг халқлар ўртасида тинчлик, ўзаро ҳамкорлик, яхши қўни-қўшничилик алоқаларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қарорларини бир овоздан қўллаб-қувватлаймиз.

Р. ШАРИФХУЖАЕВ,
пўлат қурувчи.

ТИНЧЛИК—АСОСИЙ ШИОРИМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг «Халқаро аҳвол тўғрисида»ги Пленум қарорини, биз, мистарлар бир овоздан маъқуллаяймиз.

Америка Қўшма Штатлари президенти жаҳон Ричард Никсоннинг Совет Иттифоқига ташрифи ҳам тинчликни янада мўносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Халқаро вазитини таъин қилган вақтида, иниси системанинг яхши қўшничилиги алоқаларини янада келтиришда ижодий роль ўйнайди, деб ўйлаймиз.

Уруш халқлар бошига қандай қуфат келтиришини, миллионлаб кишиларнинг етишгани кўришгани, ўзалар шайх ва қишлоқларини вайрон етишгани биз кенга алоқ яхши биламиз. Шу билан партия ва ҳукуматимизнинг тинчлик сийасатини барча совет ишчилари доимо мамнуният ва яқдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар.

Н. АХМАДЖОНОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Олмалик мис бойишчи фабрикаси ишчиси.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИНING МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИШИ

ҚОҲИРА, 24 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети иккинчи секретари В. Р. Ломоносов бошчилигида Араб Социалистик Иттифоқи таълифига биноан Миср Араб Республикасида келган КПСС партия қўшма делегацияси Араб Социалистик Иттифоқи раҳбарлари билан учрашди. Делегация КПСС билан Араб Социалистик Иттифоқи ўртасидаги алоқаларини ва ҳамкорлигини ривожлантириш масалаларини, шунингдек бу соҳадаги амалий тадбирларни муҳофаза қилди.

Делегация бундан бир кун илгари кўн Миср шаҳарлари бўйлаб қилган сафаридан қайтиб келган эди.

СОВЕТ—АМЕРИКА МУЗОКАРАЛАРИ

24 май кўн Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорный, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин билан Америка Қўшма Штатларининг президенти Ричард Никсон ўртасидаги музокаралар давом этирилди.

Бундан аввалги учрашулар ва суҳбатларда муҳофаза қилина бошланган масалалар кўриб чиқилди. Европа проблемаларига катта эътибор берилди. Музокаралар амалий назарияда ўтди.

Бугун СССР билан АҚШ ўртасида космик ёзони тинч мақсадларда тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланишдаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимни, шу

нингдек, фан ва техника соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида СССР билан АҚШ ҳукуматлари ўртасидаги битимларни имзолаш тўғрисида бир фикрга келинди.

Музокараларда Совет томонидан: СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров,

Америка томонидан: АҚШ давлат секретари У. Рокерс, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Г. Киссинджер, давлат секретарининг ўринбосари М. Хилленбранд, Оқ уй аппаратынинг ходими Х. Соненфелд қатнашмоқдалар.

СОВЕТ—АМЕРИКА БИТИМЛАРИНИНГ ИМЗОЛАНИШИ

23 майда Кремлда атоф. мухитни муҳофаза этиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида СССР ҳукумати билан АҚШ ҳукумати ўртасида битимлар имзоланди. Битимларни Совет томонидан СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорный, Америка томонидан АҚШ президенти Р. Никсон имзоладилар.

Шунингдек медицина фани ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида СССР ҳукумати билан АҚШ ҳукумати ўртасида битимлар имзоланди. Битимни Совет томонидан СССР соғлиқни сақлаш министри Б. В. Петровский, Америка томонидан АҚШ давлат секретари У. Рокерс имзоладилар. (ТАСС).

Р. НИКСОН НОМАЪЛУМ СОЛДАТ ҚАБРИГА ГУЛЧАМБАР ҚЎЙДИ

Америка Қўшма Штатлари президенти Ричард М. Никсон 24 майда Кремль девори ёнидаги номатўлм солдат қабрига гулчамбар қўйди. У немис-фашист босқинчиларига қарши курашда жонини фидо қилган совет жангчилари хотирасини ҳурматлаб бир дақиқа сукут сақлади.

Фахрий қоровул саф тортиб турди. Президентнинг ҳамроҳлари — Америка давлат арбоблари у билан бирга келишди.

Гулчамбар қўйиш маросимида Совет томонидан — СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, Совет Иттифоқининг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, Москва ҳақини округи кўнчилари қўмондон генерал-полковник Е. Ф. Ивановский ва Москва ҳақини қўмондон генерал-майор П. И. Астахов ҳозир бўдилар. (ТАСС).

ХАММА НАРСА ИНСОН УЧУН

В. Ф. ПРОМИСЛОВНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

АҚШ президенти Р. М. Никсоннинг Совет Иттифоқига вижди мўносабати билан жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидаги энг йилги газеталар, радио ва телевизион компаниялари журналистларининг катта бир гуруҳи Москвага келган. 23 майда улар учун матбуот конференцияси ўтказилди.

Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов журналистларнинг совет пойтахтининг ҳозирги аҳволи ва келажиги билан таништирди. У Москва тараққиётининг янги бош плани қандай амалга ошириляётганлиги тўғрисида таъриб, бу планда Ленин ёлларни, партиянинг ҳамма нарсаси инсон учун, ҳамма нарсаси инсон бахт-саодати учун деган асосий мақсадларни ўз ифодасини топди, деди.

В. Ф. Промислов жумладан, уй-жой қурилиш кўпмаларини таърифлаб, ўтган беш йиллик мобайнидаги шаҳарда 600 мингдан зиёд замонавий шинам

квартира қурилганлигини эслаб ўтди. Ҳар кўн ўрта ҳисобда 400 га яқин оила янги уй-йўлларга қўчиб жойлашди. Ўй-жойлар асосан давлат маблагларини ҳисобига қурилмоқда, квартиралар эса бепул тақсимланмоқда.

Бош планнинг инсон тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи билан сугорилган қондалари, деб таъкидлади В. Ф. Промислов. КПСС XXIV съезди белгиланган социал тадбирларнинг кенг программасига асосланган. КПСС XXIV съезди халқ фаровонлигини ошириш вазифаларини ҳал этмоқ учун мамлакатнинг бутун экономикасини унинг барча тармоқларини анжамининг ҳамма нарсаси инсон учун, ҳамма нарсаси инсон бахт-саодати учун деган асосий мақсадларни ўз ифодасини топди, деди.

В. Ф. Промислов ҳамма саволларга батафсил жавоб берди.



Москва, Кремль, 1972 йил 23 май. Совет—Америка битимининг имзоланиши.

А. Пахомов фотоси. («Правда»дан)

ТОШКЕНТНИНГ КАТТА ЭКРАНИ

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЧИЛДИ

бу ерда Осиё ва Африка мамлакатларининг вакиллари катта кўламда қатнашаётганлиги ҳозир бўлди дейиш тўғрисида, Европа ва Америкадаги йилги мамлакатнинг вакиллари Тошкент кинофестивалига меҳмон бўлиб келган.

Тошкент фестивалининг кўни янгради. Ер қандай кўпгина ишчиларга таниш бўлган бу кўн фестивалининг бошланганидан дарак беради. Сарой саҳнага таниш совет ва чет эл кино устаслари, Тошкент жамоатчилигининг вакиллари чиқадилар.

Фестиваль ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Р. Х. Абдуллаева мажлис аҳлига мурожаат қилиб нутқ сўзлайди. У халқаро учрашув қатнашчиларини ва меҳмонларини республика ҳукумати ва Ўзбекистон халқлари номидан самимий таърифлайди.

У халқларнинг келажигини, ер юзининг истиқболини каллаётган, ҳозирги замон киносининг проблемаларига жонлиқ билан қараётган кўпгина мамлакатларининг кинематографчилари ўз санъатларини ўз халқларига хизмат қилдиришга тобора кўпроқ қаракат қилишмоқдалар, дейди Р. Х. Абдуллаева. Улар инсониятга ҳақиқат сўзини, озодлик сўзини, тинчлик ва социал тараққиёт гондларини сингдиришмоқдалар.

Ташкилот комитетининг раиси ишонч билдириб айтдики, фестивал унда қатнашаётган ҳамма кишилар учун ижодий мактаб бўлиб қолади, бу мактабда ҳар бир кинематография ўзи эришган муваффақиятларини, эришган натижаларини мақсадаларини намойиш қилади, унда ҳар бир киши бошқаларнинг ютуқларини кўра олади, таърибларини ўргана олади, бир-бирларининг энг яхши ютуқларидан ибрат олади.

Осиё ва Африка мамлакатларининг иккинчи Тошкент халқаро кинофестивали улуг айём йилида — Совет Социалистик Республикалари Итти-

фоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги нйшонланган йилда ўтмоқда. Иттифондош республикалар босиб ўтган шонли йўл деганича миллий сийасат танаҳасини, иктисодий, сийсий ва маданий ҳаётда эришган жузда катта муваффақиятларини кўрсатади, социализм, Совет Иттифоқи халқларининг қардошларига дўстлиги ҳаётбахш кўчини жузда яхши ифодаляди. Фестиваль қатнашчилари Ўзбекистоннинг Совет ҳокимияти йилларидаги муваффақиятлари билан таниша оладилар, заводлар, фабрикаларни, колхоз ва совхозларни бориб кўра оладилар.

Иккинчи Тошкент кинофестивали халқларининг тинчлиги, социал тараққиёти ва озодлиги йўлида иккала қитъа кинематографчилари дўстлиги, ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлигининг ажойиб мевааларини воғга етказсин.

Зада «Жон Ўзбекистон» тараҳаси янграйди. Шу тарава садолари остида кино устаслари фестивал байроғини кўтардилар.

Фотомухбирлар билан кинооператорлар шу танталида дариқари абадилаштириб қўлишга иришадилар. Тошкент учрашувини уч юзга яқин чет эл ва совет журналистлари ёритмоқдалар. Шу фатҳнинг бир ўзиёқ ижон жамоатчилигининг Тошкентдаги фестивалга катта эътибор билан қараётганлигини кўрсатади.

Осиё ва Африка мамлакатлари иккинчи халқаро кинофестивалининг қатнашчилари ва меҳмонларига СССР Министрлар Советининг таъриқномасини мажлис аҳли давомли қарсақлар билан кутиб олади. Таъриқномани СССР Министрлар Совети ҳузуридаги кинематография комитетининг раиси А. В. Романов ўқиб эшиттирди.

Сўз Хиндустоннинг давлат министри Нандиди Сатпатиға берилади. Хиндустон кинематография арбоблари Тошкент

фестивалида қатнашиш тўғрисидаги таклифномани зўр ҳур-сандилик билан қабул қилиб олдилар, — дейди у. Бу фестивалнинг: «халқлар тинчлиги, социал тараққиёти ва озодлиги учун» деган шiori Хиндустондаги барча маданият арбобларининг мамлакат бутун аҳолисининг маънавиятига мос келади. Бу шiori соф ишлатил барча кишиларга азиздир. Тошкентдаги учрашув Осиё ва Африка мамлакатлари кинематографчилари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга ва уларнинг ҳамжиҳатлигини кучайтиришга ёрдам беришга шак-шубҳа йўқ.

Фестиваль очилган шу кўннинг ўзиёқ бу ерда, Тошкентда дўстлик мухити ҳуки сураётганлигини биз пайкаб олди, деди. Сенегал кинорежиссёри ва ёзувчиси Полин Вейера. Бу мухит фестивалимизнинг катта муваффақиятларига эришишга бизда ишонч уйғотмоқда. Зотан, биз Тошкент фестивали миллий кинематографиямиз даражасини янада баланд кўтаришга ёрдам беришдан умидвормиз.

Миср кино актрисаси Зиял Ал Бадраний Тошкент кинофестивалининг қатнашчиларига ва меҳмонларига ўз ватандошларидан қизгин салом топиради. Ўзига нотинчлар қаби у ҳам бу фестивалнинг тинчлик ва тараққиёт ишига, халқларнинг миллий озодлиги ва эркинлиги ишига яхши хизмат қилишига ишонч билдиради.

«Монголино» студиясининг бош редактори С. Дощдорлов ўз мамлакатининг кино санъати тўғрисида гапириб берди. Монголия кинематографияси, деди у, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг кино санъати билан яқин алоқада ва дўстликда ривожланиб бормоқда. Бу ишда Тошкент фестивали катта ёр-

дам беришига ва бу фестивал дўстларнинг ҳақиқий аюганимиз бўлишига ишонаман, деди Монголиядан келган меҳмон.

Ғаниейлик кинорежиссёр Абдуллай Даво ҳам Тошкент фестивалининг катта аҳамиятини таъкидлади. У ўз мамлакатининг маданият арбоблари номидан янги халқаро учрашувга муваффақият тилайди.

СССР кинематографчилар Союз раҳбарлсининг секретари, режиссёр, Ленин мукофоти лауреати Г. Н. Чухрай фестивал қатнашчиларига ва меҳмонларига «самимий салом топиради. Кинематографчиларнинг бу аюганим СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги арафасида очилётганлиги гоат шонли бир воқеадир, деди у. Кўп миллатли Совет давлати ривожининг бутун тарихи халқларнинг ленинча дўстлиги улуғворлигини да-жуа катта ҳаётий кучга эга эканлигини даъват қилиб турибди. Бу дўстлик — совет кинематографчиларини барча муваффақиятларининг манбаи ва уларга илҳом бераётган чашмадир.

Кинематографчиларнинг Тошкент учрашувга асосий самара беришига СССР маданият арбоблари шак-шубҳа қилмайдилар.

Фестиваль очилди, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг давлат гимнлари янгради.

Орадан бир неча минут ўтгач, санъат саройининг экранни порлаб кетди. Биринчи фильм титрлари кўзга ташланди. Республиканинг ҳозирги кўниги тасвирловчи режиссёр М. Қайомнинг «Ўзбекистон бўйлаб салкиш дақиқа» деган ҳужжатли фильм фестивалининг ҳамма қатнашчиларини ва меҳмонларини Ўзбекистоннинг шаҳар қишлоқларига таъриф қилди. Шу оқшом «Мосфильм»нинг «Оловнинг бўйсундирилиши» деган янги бадий фильми ҳам қўрсатилди.

Фестивалининг кинолентага ўралган ер шаридан иборат эмблемаси Тошкентнинг катта экранда порлабололади.

С. ФРОЛОВА,
ЎзТАГ мухбири.

(УЗТАГ).

ҲАР СИГИРДАН 3.360 ЛИТР

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ ИЛЬИЧ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ МАШҲУР СУТ СОҒУВЧИСИ М. УММАТОВА ТАЖРИБАСИНИ КЕНГ ЁЙЛИК



Суратда: сут соғувчи Мўтабар Умматова.

фамилияси Умматова. У Калинин районидаги Ильич номи колхозининг сут соғувчиси. Хўжалигининг янги, тўла механизацияланган фермасида 200 бош сиғир бор. Шундан 183 боши соғин сиғир. Ҳаммаси «қора-ола» зоти сиғирлар. Уларни хиллаб олиш осон бўлмаган, албатта.

Авалли йили колхоз правленисининг раиси Саъидилла ака Раҳматуллаев Москва области—Бутунитифок кишлоқ хўжалигини электрлаштириш институтининг Истра районидаги тажриба хўжалигида бўлганида у ердан 100 бош зоти сиғирни олиб қайтган. Раис бири-юла икки юз соғин сиғирга мўлжалланган янги тиндига молхонанинг лойиҳасини ҳам келтирган эди. Мана ҳозир уша 100 бош сиғирдан олинган бузоқлардан 80 дан олтири соғин сиғир бўлди. Янада қурилган молхонадаги ишлар тўла механизацияланди, ишлар юришгандан юришиб кетди.

200 бош сиғир молхонада 4 қаторга жойлаштирилган. Йирик «қора-ола» сиғирларини санкиз қиз бошқаради. Ҳар соғувчида 25 бошдан сиғир. Улар бири-бири билан мусобақадор. Юскам социалистик мажбурият олишган. Мўтабар Умматова ўз боқувилган сиғирларнинг ҳар бошидан 3360 литрдан сут соғини ахд қилган. Зарифа, Махбуба, Қутбилар ҳам бўш келишмайди. Мўтабарга етиб олишни ният қилишган.

Дала тоғининг ўзгача гашти бўлади-да! Ҳаммаёқ соғин, кишлоқ уйида. Узоқ-узоқлардан хўрознинг дастлабки қичқирини эшитилди. Худди шу пайтда ферма дарвозасидан қизларнинг овозини эшитган ола сиғирлар ҳам ўриларидадан қўзғалиб, маъраб қўйишди.

Халат кийиб ёнларини шимариб олган соғувчилар бўлса, ишга киришиб кетадилар. Сиғирлар билан гўё тиллашадилар.

Сиғирлар ҳам бу қўлларга ўрганишган. Ҳа деймай, бидонлар келтирилади, соғин бошланади. Бир қизнинг қўлида уттардан соғин апарати, икки сиғирни ораблатиб, соғин апаратлари ўрилатили. Ўртаблат соат 4.30 да соғини бошлаган қизлар бир ярим соат ичиди ҳамма сиғирни соғиб, сутларни бидонларга қуйиб, ша-ҳарга жўнатишди. Шундан сўн-

гина хотиржам бўлиб, охириларини тозалаша киришадилар: молга ем бериш керак. Сиғирлар бир кундан уш қилограммдан ем ейди. Бу емнинг ярми орталаб берилади. Ше-лухга майдаланган кунжара ара-лаштириб қўйилган. Сиғирлар ем ейётган пайтда қизлар соғин апаратини ювиб жой-жойига илб қўйишди.

Роса соат ўвирда ҳаммаёқ са-ранжом. Энди дугоналар тушири соғувгача дам олишди. Уйларига бориб оқитилди қайтишди. График жуда қатъий тузилган: қарда интизом, тартиб қондаги роия қилинса, шу ерда ишнинг унумли ҳам баракали бўлади-да!

Тўшга яқин қизлар яна ферма-га кириб келишди. Бугун Мўтабар ҳар кундагидан ҳам чақон-роқ ҳаракат қилар, дугоналари билан галлашганда ҳам ғурсати камдек эди. Негаки ишлаган Мў-хоб бесторон, унга қарайди си-ғирларини ҳам ўзи соғиб ўзи қара-пти. Шу босқанда дугоналарини.

Мўтабар, кел биз ҳам на-рашорайлик, — дейишди.

Молхонани тозалаш учта оғир иш эмас, сугорини сиғирга би-ҳам автоматлашган. Дугоналар роса соат 12 да сиғирларини со-ғиб бўладилар-да, кейин уларни йилловга чиқаришди. Бу сиғир-ларини молбоқарлар Раҳим Патто-ҳов, Аҳмад Қўрбоновлар серў-жонга ҳайдаб кетишди.

Чақон қизларнинг аса юмуши қўли: ҳозирги соғиб олинган сутини жунатиш, апаратларини тозалаш зарур. Бу орада Мўтабар кишло-ла дафтарчасига ҳам қараб, ай-рим рақамларини ёзиб қўяди...

У дафтарчасига қараб мамнун қилинмай қўйди. Ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан бу йил сиғир бошига 10—15 литрдан ошди сут соғиб олинди. Бир қизлик соғин-дан сут 316 литрни ташкил этти.

Кўни кеча «Бўри» билан «Дола»нинг бир қизлик сутини ўлаб қў-йилди. «Бўри» 20 литрдан яқин, «Дола» аса бўғоз бўлишига қара-май 18 литр сут беришти. «Тў-ғи» яқин соғини тўхтатаман, кейин сутини яна ҳам қўйишди-да, энди ҳамма сиғирларни апа-ратларга яқин ўргатиб қўйишди. Аниқ бир вақтда соғатганимиз-нинг ҳам нафи яқини эканда. Э, бу машинани чинарғанларга ра-ҳмат-э! дилидан ўтказарди. Мў-табар. У шу ҳақда ўйлар экан

бенхтиёр фермага дастлаб қадам қўйган йилларини эсларди...

У кезларда Мўтабар ёш, 7-синфда ўқир эди. Фермага — сут соғувчи ораси Мухаббатнинг ол-динга келиб қарарди. У маҳалда бундай апаратлар, бундай ме-ханизацияланган молхона қанда, дейсиз. Ҳамма иш қўлда бажари-ларди. Олани ўзига биринчи йил сиғирларни қўлда соғиб чиққунга биланлари толиб кетарди. Шунда Мўтабар ҳам қўлига чалак олиб, Мухаббатга қўмаклашарди. Ча-қон қизнинг ҳаракатини кўриб фермадагилар: «қўни пишчи қо-либди, сиғирларга ҳам меҳр билан қарайди, 10-синфни битирунча ёрдамчи бўлиб ишлаб турсин» дейишганди. Икки йил ердамчи со-ғувчи бўлди.

Ўқини туталлаб келган 1970 йилдан аса мустақил ишлаб бош-лади. Дастлаб камроқ, кейин 25 бошдан сиғир беришти беришди. У 1971 йили ҳар бош сиғирдан 3100 литрдан сут соғиб олди. Мўтабарнинг маоши ўтган йилдан ўртача 185 сўмдан тўғри келди. Албатта, бунга кол-хоз правлениеси томонидан бери-лан мукофотлар кирмайдилар. Бу сума соғиб олинган ҳар 100 литр сут учун тўланган 2 сўм 72 тийинлик меҳнат ҳақига тўланган бўлади. Пилдан ташқари давлат-га юборилган сут учун аса тў-ланган ҳақнинг 50 проценти му-кофот тарзида тўланади.

Мўтабар сиғир соғин билан бирга янги турилган бузоқлар-ни бешкаст оғунга тургазиб бе-ришни ҳам ўз зиммасига олган. Ҳар сиғирдан бир бузоқ олган. Бузоқларни 10—12 кун парва-риш қилиб бергани учун ҳам ҳа-қ олади. Буларнинг ҳаммаси колхоз фермасидан ишлар аниқ режа асосида бораётганинидан, чорва-чилик сардоромид соҳага айлана-тиганидан далolat бериб тур-ибди.

Саъдулла ака райком партия биносидан мамнун чиқди. «Лойи-ҳаларга айтаян, тездатириб беришадилар, деди райком секрета-ри Маҳкам Камолов.

Колхозда иккинчи катта молхо-на қурилишини бошлаб юбориш-чи? Раис ошқияпти. Чўни мол-лар яқин парварини қилинаётгани учун ҳам нобуд бўлиш мўлақо-йқотилди. Сиғирларнинг ҳамма-

сидан нормал бузоқ олишмоқда, зотдор сиғирлар кўпаймоқда. Уларнинг бузоғи сиғир бўлади. Бунақари семиртириб, гўштга топирилади. Сиғир сони кўпай-ган сари янги молхона керак. Шу-нинг учун ҳам энди колхозда 400 бош сиғирга мўлжалланган мол-хона қуриш зарур бўлиб қолди. Экономистлар ҳисоблаб, чиқиш-ди. Янги молхонага бўладиган сарф ҳарамат чорвачиликдан ке-ладиган даромад ҳисобига 1974 йилга бориб қопланади. Бироқ иш-лар фермада тўла механизация-ланса, Мўтабар сиғирга насбни севаган моҳир сут соғувчилар қў-пайса ҳараматлар ҳадемай қопла-ниб қоларди.

Колхоз бу йил 472 тонна сут соғиб олганини планлаштирган. Би-ринчи майгача 164 тонна сут со-ғилди. Шундан 144 тоннаси дав-латга сотилди. Шўни қувончли-ки, 1971 йили шу кунгача ҳар бош сиғирдан 710 литрдан сут соғиб олинган бўлса, бу йил 900 литр-данга етди.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилмаган, албатта. Чорвадан даромад оламан, деган хўжалик биринчи навбатда унинг озуқа ба-асига катта эътибор беради. Бу хўжалиқнинг чорвадорлари эрта қўламандоқ еш-хашак тайёрлаш тарафдудига тушишади. Колхозда шундоқина ферманинг атрофида 60 гектар майдонга янги беда ар-па билан аралаштириб экилган. У қилин бўлиб ўрмга келиб туриб-ди. 60 гектар ерда аса силос учун макмақхори ўстириляпти. Ўтган йили тайёрланган хашаклар ҳам тугатгани йўқ. «Озиқли мол ҳори-мас» деб шўни айтдилар-да!

Юқори семизлидаги мол гўштга топирилганда айнакча нафи кат-та бўлади. Колхоз давлатга бу йил 28 тонна гўшт сотади. Шу кунгача 21 тонна гўшт етказиб берди. Ҳар бир молнинг тирик везини 370 килограммданга тўғри келгани учун ҳам улар давлатдан устам мукофот олишди.

Даромад устига даромад! Раис-нинг режаси амалга ошса, бу да-ромадлар яна бир неча баравар ортади.

Ф. УСМОНОВА.

«Тошкент ҳақиқати» газе-та-сининг махсус муҳбири.



САВДО АЪЛОЧИСИ

Шивалаб ёғатган ёғир тинди. Кўни ағаллаган булут тарқалиб қуёш юзига кўрсатди. Шаффоф юрт гул бариди, мийраб турган тоғида ярак-лаб ўйнади. Бу манарави кўз-затиб турган Малик аканинг юзига табассум югурди. Тун ўрнини кун эълмат ўрнини иур ағаллайди. Инсон ҳаёти ҳам шунга ўхшаб, Малик ака хур, бахтли замонада ўсди. Ҳаё-тини, куч-қувватини инсонлар хизмати йўлига бағишлади. Одамлар ҳурматини қозонди.

Ҳовлида чоғиб юрган нева-радарлар галма-гал ота ёнига ке-лади. Жажжи қўллар билан бўйнидан қучоқлаб ўлади.

60 ёш. Ўзининг олтин да-ври. Бугун Малик аканинг ёр-дустлари, ҳаммаслари, фар-зандлари шу ўлғи ёши билан табриқлашмоқда. Ҳар бири ун-га яқин илб билан ўзоқ умр тиламоқда. У кўп йиллик меҳ-нат фойдасини давлатга ибрат-ли ишлар қилди. Шўни эс-тирдилар асга беҳимнат хизмат қилди.

Малик ака умрининг 25 йилини совет савдосига бағиш-лади. Меҳнатнашларнинг талаб ва истаклари асосида иш юри-ти, уларни мўз озиқ-овдат маҳсулотлари билан таъмин-лаш биринчи галдаги иш бўл-ди. Олдинлари у област иж-роия комитетда, кейинчалик аса Ҳамза район ишчеғорига оғиб мудир бўлиб ишлади. Бу йилларда ҳалол меҳнат, тадбиркорлик билан танилди. 1969 йилинги ёнда уни рай-ондан 27-озик-овдат магазини му-дир қилиб тайинлашди. Ма-ли ака магазиннинг ишнини тўғри йўлга қўйиб, харидор-лар шикоятга ўрни қолдир-маслик учун курашди. Меҳнат-қилар эҳтиёж учун зарур бўлган озиқ-овдатларнинг ма-газини пештахтада доимо бў-лишига эришилди. Шикоят ва тақлифлар дафтри магазини ходимлари номига ёзилган ми-натдорчилик сўзлари билан тўлди. Бу хизматлари учун у «Шавкатли меҳнати учун» ме-дали билан тақдирланди.

Малик ака Қодиров йилдан-йилга савдо маданиятини оши-риб йўлда ҳормай меҳнат қи-либ келмоқда. Савдонинг янги прогрессив методлари асосида иш юритиш асосини шор қилиб олган. Ўтган йили унга «Со-вет савдоси аълочиси» деган юксак унвон берилди. Ҳозирда унинг ўлаб шўирилари ша-ҳ-рининг турли маҳалларида муваффақиятларини ишляпти. Мана шунлардан бири магазини му-дир Рўзим Раззоқов бун-дай дейди.

— Мен асли ҳоразмликман, аниқ йил олдин Тошкентга ке-лган эдим. Малик акага шўири-д тушди. Олдин магазинда ю-чи, кейин сотувчи бўлиб ишла-ди. Сўнг мени магазини му-дир қилиб қўтарди. Шу да-ражага етушунда устозини-нинг хизматлари жуда катта.

Малик ака катта онла бош-лиги. Унинг санкиста фарзан-ди турли соҳаларда ишляпти. Катта ўғли Абдували фан кан-дидати, Малик ака бу бахтга эришган одамийлиги, меҳнатсе-варлиги билан эришган. 60 ёш-га тўлган шу кунда Малик ака-га биз ҳам бардамлик тилай-миз.

Н. ТУРАЕВ.

МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА

СОВЕТ—АМЕРИКА МУЗОКАРАЛАРИ Тўғри-СИДА АҚШ МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН. 23 май. (ТАСС). АҚШ президенти Р. Никсоннинг Совет Иттифоқиди музокараларини Америя пойтахтидагилар зўр эътибор бериб кузатиб туришди. Америка матбуоти, телевидениеси ва радиостанциялари ўз мух-бирларнинг репортажларида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан Р. Никсон ўртасидаги суҳбатнинг муҳимлигини таъ-кидламоқдалар. Шу учрашув вақтида олинган фотосурат га-зеталарнинг биринчи саҳифа-ларида босиб чикарилади.

«Вашингтон пост» газетаси-нинг уқдириб ёзишча, Л. И. Брежнев билан Р. Никсоннинг учрашуви «Амалий ва ошқора тўшда ўтди» ва ҳар иккала то-мон СССР билан АҚШ раҳ-барлари ўртасидаги музокара-ларга жуда катта аҳамият бе-раётганини кўрсатди. Ана шунларнинг ҳаммаси дунёга «катта умидлар» баҳи этмоқ-да, деб ёзади «Вашингтон пост» газетаси. «Нью-Йорк дейли ньюс» газетасининг Мос-квадаги махсус муҳбири С. Картер Л. И. Брежнев билан Р. Никсон ўртасидаги учра-шувини «Олий даражадаги та-рихий учрашув», деб атади.

Газеталар СССР Олий Сове-ти Президиумининг раиси Н. В. Подгорний билан прези-дент Р. Никсоннинг Кремлда-ги қабул маросимида сўзлаш-ган нутқларини баён қилиб, олий даражадаги музокаралар халқ-аро кескинлигини юмшатишга, шўнингдек иккала мамлакат олдида турган проблемаларни ҳал этишга қўмаклашадилар, де-ган умидин билдиришмоқдалар.


«Вашингтон пост» газетаси-нинг дипломатик оғборчиси Мардер. Москвада «бешқол муҳим проблемалар» юзасидан музокаралар бошланди, деб таъкидлайди.

Қўшма Штатлардаги «жуда оз кишлоқларига иккала мам-лакат ўртасидаги тинч ҳамкор-лиқнинг реаллиги айланмишга эътироз билдиришлари мум-кин», деб ёзади «Вашингтон пост» газетаси ўзининг редак-цион мақоласида.

Таниқли телевидение шарх-чиси Чанселлор аса бундай дейди: «Бу визит Совет—Аме-рика муносабатлари учун энг яқин аса яратиб бериши мум-кин. Шундай бўлади деб ўйлаш учун бизда ҳамма асослар бор».

Жазор Халқ Демок-ратик Республикаси-нинг саноати тобора ривожланмоқда. Бу бо-рада Совет Иттифоқи билан бўлаётган ҳам-корлик яқин натижа-лар беришти. Совет мутахассислари ёрда-мида бир неча йirik заводлар қурилиб фой-даланишга тошириш-ди. Суратда: совет му-тахассиси В. Маслов (Ўртада) Жазорлик ҳаммаблар орасида. С. Крутлов фотоси.

ТАСС фотохроникаси.



БРАЗЗАВИЛЬ. 23 май. (ТАСС). Халқлар ўртасида дўстлик Конго уюммаси таш-кил этган Совет-Конго дўстлиги кечаси Браззавильда «СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги — ленинча миллий снэсатининг тантанаси» деган

ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

шнор остида ўтди. Кечанда қат-нашган кишлолар СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини тўғрисида, совет халқининг коммунистик қурилишдаги му-ваффақиятлари ҳақида доқлад

тингладилар. Бундан ташқари, улар «Бугунги СССР» фотове-тавасисини кўздан кечтирдилар, бешта қардош — иттифодаш республика — Россия, Федерация, Украина, Белоруссия,

Туркменистон ва Литва тўғри-сидан ҳужжатли кинофильм-ларни кўрдилар.

Кеча охирида «Халқнинг со-диқ фарзандлари» деган совет бадиий кинофильми кўрсатил-ди.

БУГУН—АФРИКА ОЗОДЛИГИ КУНИ

1963 йили Эфиопия пойтахти — Аддис-Абебада Африка Бирлиги Ташкилоти тузилди. Бу ташкилот ту-зилгани биланоқ ҳар йили 25 майда Африка озодлиги кунини нишонлаш ҳақида қарор чикади. Қадимий ва навиқрон қиъа халқларининг импе-риализм, мустамлақчилик ва ирк-чиликка қарши қарамонона кура-шининг тарихи бугун бу байрам ана шу тарихи уюмдага келди. Уни эндиликда қиъа халқлари билан бир қаторда ер озидаги барча янги ниятли кишлолар ҳам кенг нишо-ллайдиган бўлиб қолдилар.

Африка — катталиги жиҳатидан қиъадаги иккинчи ўрнида катта Майдон ороллари ҳам қў-шиб ҳисоблаганда 30.3 миллион квадрат километр, яъни куруқлик-нинг бешдан бир қисминини ташкил этади. Аҳолиси 354 миллион киши-дан ортиқроқ. Ҳозирги вақтда бу аҳолининг 320 миллиони 41 та му-стақил мамлакатда яшайди.

Африка қиъаси табиий ресур-сларга нисбатан бой. Унинг теритри-ясида капиталистик дунё барча олмосининг 98 проценти қазиб оли-нмоқда. Ливия, Нигерия, Жазор ва қиъадаги бошқа мамлакатларда йилга 300 миллион тоннага яқин нефть олинадилар. Нигерия уран ма-данлари запаси бўйича дунёда бе-шинчи ўрнини эгаллайди.

КУРАШАЁТГАН ҚИТЪА

Шу тўғрйли ҳам Африка қиъаси асрлар оша босқинчи давлатлар ўр-тасида талон-тороқ бўлиб келди. Бироқ Африка халқи ўз мустақил-лиги ва озодлиги учун тинмай ку-рашмоқда. Аиникса, иккинчи жаҳон урушидан кейин қиъада миллий озодлик кураши нисбатан ўзгариб кетди. Мамлакатлар бирин-кетин ўз мустақиллигини қўлга кирита бошладилар. Кейинги ўн йил ичи-дагина салкам 40 та мамлакат муста-қилликка эришди.

Социалистик мамлакатлар, айниқ-са, Совет Иттифоқининг доимий бе-ғарез ёрдами тўғрйли бу қўшма қиъанинг мустақиллиги ва озодли-ка эришган ёш давлатлари экономика-га маданийти ривожлантиришда катта ютуқларни қўлга киритмоқда-лар. Бундай ютуқлар ноқали-талистик тараққиёт йўлини таллаб олган давлатларда яқол қўзга та-лаб бўлиб турибди. Бу давлатлар мил-лий саноат ва кишлоқ хўжалигини ажулдага келтирмоқдалар, экономи-када давлат секторини ривожланти-риш тадбирларини кўрмоқдалар.

Жазор халқ—демократик респу-бликаси ҳукумати ўтган йили нефть ва газ саноатида чет эл компания-лари фаолияти устидан давлат назо-ратини ўрнатди. Танзанияда аса ҳо-зирги вақтда саноат ишлаб че-ка-ришининг ундан икки қисми давлат

томонидан назорат қилиб турилиб-ди. Гвинеяда капиталистик мулкнинг каттагина қисми национализация қи-линди.

Миср Араб Республикасида 400 ми-лион гектарга яқин ер помешчи-лардан тортиб олдинда ҳанда 300 ми-лион дехон оиласига текинга тақ-симлаб берилади. Бу мамлакатда деҳқонларнинг кооперативларга би-рлашув муваффақиятли ўтмоқда. Ҳозир Мисрда 4100 кооперативга би-р ярим миллион ортиқроқ киши би-рлашган. Мамлакат ерларининг яримдан ортиқроғи улар иттибига бериб қўйилган. Жазорда аса экин-ликдагилар ерларнинг ундан бир қисми ўзини ўзи идора қилиш ко-митетларига топирилган. Бундай комитетлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ижтимоий секторини ташкил этади ҳанда бутун махсу-лотнинг 60 проценти яқинини етказ-иб беради.

Шуни ҳам айтиш керакки, соци-алистик йўлни таллаган мамлакатлар ҳозирги вақтда нокапиталистик та-раққиётнинг бошланғич босқичида турибдилар ҳамда умумидемократи-к ҳаракатларга вазифаларини ҳал этмоқдалар. Аини вақтда, хўжалиқини юртишининг шундай янги шакллари ҳам ажулдага келмоқдалар, улар ко-номикани жадал ривожлантиришга, социал ва маданий тараққиётга

яқиндан ёрдам бермоқда. Масалан, Танзанияда «жамоа» кишлоқлари ташкил этилмоқда. Унда иқтисодий ва маданий-маиший масалалар лектив бўлиб ҳал қилинмоқда. За-нзибарда бўлса, оила-кооператив магазинлар ташкил этилмоқда. Бун-дай янгича магазинлар оқибат на-тижасида савдо-сотиқдан хусусий сав-догарларни сўриб чиқариш керак. Африканинг қўшма мамлакатла-ри социалистик мамлакатлар ёрда-мига таъйиб, ўз қазилма бойлиқла-ри базасида ишлабдиган саноатни ажулдага келтиришда катта ютуқлар-га эришмоқдалар. Жазорда нефть, газ, темир маъданлари ва бошқа хил фойдалли қазилмалар базасида ишлабдиган йирик замонавий кор-хоналар қўлаб қурилмоқда. Мам-лакатнинг Шарқда биринчи метал-лургия комплекси қад кўтарди. Ко-нстантина яқинида трактор заводи қуришга киришилди. Мамлакатнинг барбиз аса табиий газни сўлипти-риб беришдан завод қуриш мўлжалла-нмоқда.

Нокапиталистик тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлар маорифни ривожлантириш, аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш, халқ-нинг турмуш даражасини ошириш соҳисида ҳам бирмунча ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ўтган йилдан бошлаб Жазорда 6—7, ёндаги ҳам-

ма бўлаш бошлагани мактабга ки-риб ўқуш имконига эга бўлди. Кон-го (Браззавиль)да ҳам шундай қў-лайлик яратиб берилади. Социали-стик йўлни таллаб олган мамлакат-лар яқин йиллар ичида саводсизлик-ка бутунлай берам бериш режаля-рини тўзмоқдалар.

Африка қиъасининг социализмга мойил бўлган давлатларида социал-истиксидий ўзгаришлар билан бир қаторда меҳнатқилларнинг демок-ратик ҳаётидаги роли ортмоқда. Аини вақтда эксплуататорларнинг позициялари қадам-қадамда чеклаб қўйилмоқда, негакки, халқ умуман эксплуатативсиз жамият қуришни ўз олдида вазира қилиб қўймоқда. Масалан, Мисрда помешчик ва ка-питалистлар ҳокимиятдан бутунлай четлаштирилган. Улар ҳеч қандай снэсий ҳукукка эга эмас. Мамла-катнинг ижтимоий снэсий ҳаётида деҳқонлар ва ишчилар тобора кў-проқ роль ўйнамоқдалар. Конго (Браззавиль)да ҳуқуқрон партия — Конго меҳнат партияси 1970 йили корхоналар ва муассасаларда пар-тия аъзолари, кесаба союзи, ишчи-лар, маъмурият векилларида ибор-рат революцион комитетлар ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Бундай комитетлар миллий демок-ратияни ўрнатишга даъват этилган-дир. Яқинда Мисрда халқ кенга-шлари тузилди, Жазор миллий-озод-лик фронти, Танганиянинг Афри-

ка миллий иттифоқи ҳам мамлакат-ли идора қилишга меҳнатқилларни жалб этиш соҳисида бирмунча тад-бирларни амалга оширдилар.

Қиъада рўй бераётган прогрессив ўзгаришлар, табиийки, империалист-ларга хуш келмаётди. Шу сабабдан, империализм ўз позицияларини бой бермаслик учун турли қийна-лар, рағбатлар, ивгогарликлар уюшти-рмоқда. 1967 йили Исроилнинг Араб мамлакатларига нисбатан бошла-ган босқинчилик уруши, Португалия мустамлақчиларининг Гвинеядаги босқинчиликлари, реакциян куллар-нинг Угандадаги ивгогарлиги — яна кўп воқеалар шўни кўрсатиб туриб-дики, империализм Африка тарихи-нинг гилдирлагини орага айлантир-моқчи бўлиб, тиш-тироғи билан ёпишмоқда. Бироқ, Африка халқи империализмга қарши биригиллаш-ти, илсиплаш қураиш зарурлигини яқини биллади.

Қиъадаги қўнчилик давлатларнинг раҳбарлари фақат бириглаш қураш-гандагина миллий манфаатларни ҳа-қонга қилиб қўлиш, галабага эри-шиш мумкинлигини тушуниб етди-лар. Ана шу мақсадда бундан 9 йил муқаддам Африка Бирлиги Ташки-лоти тузилди. Бу ташкилот антиимпе-риалистик ва антиолионал куллар-ни сафарбар қилдиган ва қувишти-риб турадиган ташкилотдир. Бу ташкилот халқаро ҳаётнинг қўшма масалалари бўйича тинчлик, озод-лик ва тараққиёт манфаатларига мо-тушадиган позицияни эгаллаб туриб-

ди.

Африка Бирлиги Ташкилоти мил-лий-озодлик ҳаракатларини изчил қўллаб-қувватламоқда. Ангولا, Мо-замбик, Гвинея, Браззавиль, Мусам-лақчилик, Нигерия, Родазия ва Жаңубий Африка республикасидаги иркчилик режимиларига қарши қиъ-моқда, бу мамлакатларнинг халқла-рига моддий ва ҳарбий ёрдам бе-риб турибди. Африка Бирлиги Таш-килоти ўтган йилнинг июнь ойида кузил-кесил галаба қозонганга қад-р миллий-озодлик ҳаракатига бе-риладиган ёрдамни қунайтириш ҳақида қарор чикади.

Совет Иттифоқи Африка халқлари-нинг миллий-озодлик ҳаракатлари-ни ҳар томонлама қўллаб-қувватла-моқда, мустақилликка эришган мам-лакатларга экономика ва маданийти ривожлантиришда яқиндан ёрдам бермоқда. Ҳозирги пайтда Совет Иттифоқининг Африкадаги оғбурси ҳар қачонгидан баланд. Қиъанинг 34 давлати СССР билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Иқтисодий, техникавий ва маданий алоқалар қиъада ривожланмоқда. Совет Итти-фоқи Африка қиъасидаги мамла-катларга 340 дан ортиқ объектни қуришда ёрдам бермоқда. СССР Мисрда 106, Жазорда 80 объект қуришда қўмаклашмоқда.

Бугунги байрам кунида совет ки-шилари ўз озодлиги, мустақиллиги ва тараққиёт учун курашётган Аф-рика халқларига қизил салом қўй-ламоқдалар ва олижаноб курашда катта галабалар тиламоқдалар.

1. МИРХОДИБ.



ҚАҲРАМОН ВЬЕТНАМ КИНОСАНЪАТИ

Санъатлар ичида энг муҳими бўлган киносанъати турли мамлакатларда турлича таъдирга эга бўлди. Вьетнам миллий киносанъати ҳам ўзига хос шартларда шаклланди.

Вьетнам халқи 1945 йили Август революциясини амалга оширгач, ҳукумат қарори билан «Радио ва кино ташкилоти» тўзилди. Бирок, энг мамлакатнинг бу ёш ташкилоти олдига қўйган катта мақсадларни амалга оширишда қолди — француз агресорлари вьетнамга бостириб кириб, қонли уруш бошлаб юборишди.

Шундай бўлса-да, ватанпарварлар орасидан чиққан ҳаваскор кинооператорлар бир неча овозсиз қисса метрражли ҳужжатли-хроникал фильмларни суратга олишди. Бу—1948 йилда яратилган. Вьетнамнинг жангонлар фарзандлари — партизанлар қаҳрамонлигини ҳаққоний асос этгач «Мон Хоа остонасидаги жанг» ҳамда «Бен Кат остонасидаги жанг» фильмларидир.

Вьетнам миллий киносининг шаклланишида совет санъаткорларининг ҳиссаси катта бўлди. Негатки, вьетнамликлар агресорларга қарши кураш олиб бorgan йилларда Вьетнам киночилари билан совет киносанъаткорлари билан Р. Кармен, Е. Ешурин, Е. Мухомилар ҳамкорлигида қатор фильмлар яратилди.

Босқинчилар Вьетнам тупроғидан ҳайдаб чиқарилгач, мамлакат ушбу ўзгаришлар дари-

га қадам қўйди. Хар соҳада юз берган бу ўзгаришлар Вьетнам киночилари суратга олган ҳужжатли фильмларда ифодасини топган. «Нам Фа кумир шахтаси» фильмларида мамлакат саноатини тиклаш ишлари тасвирланган. «Кургоқчиликка қарши кураш», «Тхонг ўзаро ёрдам бригадаси» ленталари қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш тадбирлари ҳақида сўйлабди. «Тонг тўла гул» фильмларида мамлакат аҳолисининг урушдан кейинги ҳаёти кўрсатилади. Булардан ташқари, вьетнамликлар ҳаётининг муҳим саналари — Халқ армиясининг 15-йиллиги ва Вьетнам Меҳнат партиясининг 30 йиллигига бағишланган. «Галаба байроғи остида» ҳамда «Тарихий тараққиёт даври» картиналар суратга олинган. «Еш қадамлар» фильми эса мамлакатнинг порлоқ келажиги — ёшларнинг фидокорона меҳнатига бағишланди.

50-йилларнинг охирида Вьетнам киносанъатининг янги даврга — бадий фильмлар яратиш даврига қадам қўйиши миллий киносанъат тараққиётида муҳим роль ўйнади. Вьетнамликларнинг биринчи бадий фильми — «Бир дарё соҳилларида» картинасини 1959 йили Суан Тунг, Као Динь Баулар сценарийи асосида Нгуен Хонг ва Фам Флуанг постановка қилишган. Бу фильмда Бан-Хай дарёсининг жанубий соҳилида яшовчи қиз Хоай билан шимолий соҳида яшовчи Янгит Ваннинг севгили воқеасида Шимолий ва Жанубий Вьетнам халқлари алоқасининг мустақ-

камлиги, босқинчиларга қарши олиб бораётган кураш тарафлари айтилади. Фильмда ёш актриса Фан Нга ижро этган Хоай образи муваффақиятли чиққан. Ҳаётда ҳақиқатан ҳам шимолий қирғоққа ўтиб, Қаршилик урушида қатнашган актриса ўз қаҳрамони нечинмаларини, изтиробларини, ички дунёсини ёрқин ҳолатларда очиб бера олган.

1961 йилда Вьетнамнинг ёш киночилари «Муқаддас ёдгорлик», «Ўрта линиядаги алаш», «Эр-хотин А. Фулар» картиналарини яратишди.

Кейинги йилларда Вьетнам киносанъаткорлари «Икки солдат», «Қушча», «Ўз кунларини бирда», «Ўқ тутун», «Қишлоғимиз ташвишлари», «Яна бир қадам» каби қатор бадий савияс юксак фильмлар яратишди. Уларда вьетнам халқининг ватанпарварлиги, иқидий меҳнати, яратувчилик кучи кўтаринкилик билан тасвирланган. «Нгуен Ван Чой», «Еш жангчи», «Бўрон кўтаришмоқда» фильмлари Вьетнам миллий киносанъати хазинасига қўшилган энг яхши картиналар бўлиб қолди.

Нилуфар — вьетнамликларнинг энг сеvimли гули. Унинг гузаалиги қадим замонлардан бери ота-боболар қўшиғида кўйлабик неlgан. Шунинг учун ҳам Вьетнам халқи энг яхши фильмларини тақдирлар учун «Олтин нилуфар», «Кумуш нилуфар» мукофотларини таъсис этди. Бу мукофотларга сазовор бўлиши Вьетнам санъаткорлари натта баъд ҳисобланади. Юқорида номлари айтиб ўтил-

ган уч фильм Вьетнам миллий киноматографияси ходимлари ассоциациясининг 2-съездида мана шу юксак мукофот — «Олтин нилуфар» билан тақдирланган. «Тхам тўсиги», «17-параллелда», «Ўқитувчи Ҳань», «Урмон алағи ичра», «Денгиз қақиради», «Олов денгизи» фильмлари эса «Кумуш нилуфар» мукофотига сазовор бўлган.

Вьетнам санъаткорлари яратган фильмлар фақат ўз ватанида эмас, чет элларда ўтказилган фестивал ва анжуманларда ҳам юксак мукофотлар билан тақдирланган. «Нгуен Ван Чой» фильми 1965 йилда Москвада ўтган V халқаро кинофестивалда СССР ёшлар ташкилотлари комитетининг мукофотини, бу фильмда асосий роллардан бирини муваффақиятли ижро этган актриса Тху Хуен эса «Искусство кино» журнаlining мукофотини олди. «Ку Ти партизанлари», «Шамол дарвозаси олдидан» ҳужжатли картиналари эса қисқа метражли фильмлар учун таъсис этилган Олтин мукофотга лойиқ, деб топилди.

Вьетнам киночилари бадий фильмлар билан бирга, ҳужжатли фильмлар яратишмоқда. Юқуа кўп ҳужжатли фильмлар турли фестивалларда махсус ҳамда рағбатлантирувчи мукофотлар, дипломларга сазовор бўлган. Улар орасида «Кургоқчиликка қарши кураш», «Бак Хинг Хайга учуш келмоқда», «Социалистик мактаб панорама» сингари фильмлар бор.

Вьетнам ҳужжатли фильмлари орасида «Вьетнам — ме-нинг ватаним» лентаси ҳам бор. Уни суратга олишда совет киносанъаткорларидан СССР халқ артисти Малик Қаюмов бошлиқ гуруҳа вьетнамлик режиссёр Ле Хуан ва оператор То Ки Онг билан ҳамкорлик қилган. Фильмда озоод мамлакатнинг урушдан кейинги йилларда эришган ютуқлари, мамлакат саноати, қишлоқ ҳўжалиги ва экономикасида, Вьетнам халқининг онги, маданий ва маиший ҳаётида юз берган улкан ўзгаришлар тасвирланган.

Вьетнам киносанъати оғир уруш шароитида шаклланди ва ривожланди. Бу эса Вьетнам халқи қўлида қурол билан чет эл агресорларига қақшатиқ зарба беришгагина эмас, балки, қийинчиликларга қарамай миллий маданиятни янада бойитишга ҳам қодирлигини кўрсатади. ВДР киночилари доим қизгин жанглар бораётган жойларда бўлиб, юз бераётган барча воқеаларни ҳаққонийлик билан ленталарга муҳрилади. Улар Вьетнам халқининг қаҳрамонона кураши ҳақида ҳикоя қилувчи, агресорларнинг инсоний ҳислатлардан маҳрумлигини фош қилувчи қимматли тарихий материаллар тўплашди. Уруш алағасида тугилган бу фильмлар америка империалистларига қарши курашда катта ташвиқий кучга эга бўлган жангловар қуролдир.

Ш. МАНСУРОВ.



Суратда: Янги Дехли кино арбобларидан Сингх Харбхажан ва Кумара Кақталар тошкентликларга дастхат ёзиб беришмоқда.



Суратда: Танзания кинокомпаниясининг директори Мисте Скинперенгузи шаҳримиз жамолини ҳалқовларини суратга олимоқда. А. Абалин фотолари.



Суратда: кинофестивалга келган Корея Халқ Демократик Республикасининг Ким Сен Ен (чапда) бошчилигидаги киносанъаткорлари делегацияси. М. Нуриддинов фотоси.



Фестивалга келган турли мамлакат вакиллари бир-бирлари билан учрашмоқдалар, дўстона фикрлашмоқдалар. Суратда: Янги Дехлидан келган артист Кумара Какта (чапда, Ҳиндистон) ва Истамбулдан келган артист Денар Калкаван (ўнгда, Туркия).

Спорт

ЛЕНИНГРАДДА ДУРАНГ

«Шахмат» футболчиларининг Ленинградда маҳаллий «Динамо» командаси билан бўлган ўйини 0:0 ҳисобида тугади. Ҳамшаҳарларимиз ушундан 13 очко тўплади. Кутанис, Диец, Дущанов футболчилари ҳам 13 тадан очкога эга бўлишди.

23 майда бўлган бошқа учрашув натижалари қуйидагича: «Звезда» — «Автомобилист» — 1:0, «Шинник» — «Олга» — 1:0, «Металлист» — «Строитель» — 4:2, «Шахтёр» (Қараганда) — «Шахтёр» (Донецк) — 0:1, «Крилья Советов» — «Торпедо» — 2:2, «Текстильщик» — «Полимер» — 0:1, «Уралмаш» — «Спартак» — 1:2.

Пахтакорчилар энди навбатдаги ўйинини ўз уйларида ўтказишди.

ПЕНСЕНТЛИК ПОЛВОНЛАР

Лепник шаҳрида фарғонача усулда курашувчи полвоиларнинг Ўзбекистон ССР телевидение ва радио давлат комитети соврини учун республика биринчилиги мусобақаси бўлди. Уч кун давом этган кураш Андижон области полвоилари билан бўлди. Андижонликлар 35 очко тўлаб, учинчи марта кўчма кубокни олишди.

Тошкент области полвоилари 27 очко тўплашди ва иккинчи ўринни эгаллашди. Областикиз командасида пенсентлик полвоилар катта муваффақиятга эришди. Рескйбек Файзуллаев ва Эркин Мусоев ўз вазида галиб чиқди. Уларга «1972 йилги республика чемпиони» деб ёзилган телевидение ва радио комитетининг мукофоти топширилди.

Шу соврин учун бухороча усулда курашувчилар Қарши шаҳрига тўпланишди. У ерда Сурхондарё полвоилари галиб чиқди.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

1955—1956 йилларда тугилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича республика шахсий-команда биринчилиги мусобақаси тугади. Самарқанд шаҳрига 150 дан ортққ ёш қўлқон устаси чемпионлик номини олиш учун келган эди. деярлик ҳамма учрашувларда тошкентлик боксчиларнинг қўли балад келди. Команда ҳи-

ЧЕМПИОН ОЛДИНДА

Шахмат бўйича аёллар ўртасида жаҳон чемпиони номини олиш учун Гаприндашвили — Кушнир матчида беш ўйиндан сўнг ҳисоб 3,5:1,5 бўлди. Гаприндашвили олдинда бормоқда.

ОЛИМПИАДА СТАДИОННИНГ ОЧИЛИШИГА

Эртага Мюнхен шаҳрида олимпиада стадионининг очи-

лиш маросими бўлади. Шу кун СССР ва ГФР миллий терма командалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилади.

Бу учрашув муҳимлигида катта қизиқиш тудирмоқда. Чунки ҳар иккала команда ҳам Европа чемпионатининг ирм финалига чиққан. Улар бу матчида асосий репетиция деб баҳо бермоқдалар. Совет командаси составига қуйидаги футболчилар киритилди: дарвозабонлар — Рудаков ва Банников, ҳимойчилар — Дзодзуаблиш, Хурчилава, Абрамов, Калинин, Истония, Матвеев, Фомеико, ярм ҳимойчилар — Кошкков, Колотов, Трошкин, Мунтай, ҳужумчилар — Иштония, Баннишевский, Копейкин, Кошкков, Ўйин «зағори акран» орқали Тошкент вақти билан соат 00.30 минутдан кўрсатилади.



Республика чавандозлик мактабида 200 дан зиёд спортчи шугулланмоқда. Кейинги пайда мактабнинг олти вакили СССР спорт мастери унвонига эга бўлди. Ўзбекистон терма командасининг аъзоси ТопДУ студенти Анохон Насимова мактабнинг моҳир спортчилари ҳисобланади. Суратда: чавандоз А. Насимова, ўз тулқори билан. А. Горюккин фотоси. (ЎЗТАГ).

АТЕИСТЛАР АҲОЛИ ЎРТАСИДА

Республика илмий атеизм уйи ходимлари аҳоли ўртасида тез-тез бўлиб турадилар. Улар турли атеистик темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказишмоқда. Яқинда бир гуруҳа ходимлар Бенобод, Бўка, Юқори Ириш районларида бўлишди. Б. Топбоев, В. Махаматов, А. Сиддиқов каби илмий ходимлар «Янгица маросимлар», «Континент ўзлаштириш», «Эски урф-одатларнинг зарари» каби темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказишмоқда.

Ҳозир музей ходимларидан М. Громова, М. Жабборова ўр-

тоқлар эски экспонатларини янгилаш устида иш олиб бормоқдалар. Бу экспонатларнинг қўчилигида ҳозирги замон фан-имизнинг ютуқлари, диннинг реакция моҳияти тўғрисида фильм юритилади.

Яқинда «Континент ўзлаштириш» экспонати тайёрлаб бўлишди. Янги урф-одатлар экспонатига жуда катта ўзгаришлар киритилди. Музей ходимлари СССР ташкил топган куннинг 50 йиллигига бугун экспонатларини янгилаб бўладилар.

БОЛГАРИЯЛИК ДЎСТЛАР—ОҚЎРҒОНДА

СССР бўйлаб Димитров бўлган жойларга махсус экспедиция уюштиратган бир гуруҳа туристлар Оққўрғон районидан Болгария Коммунистик партиясининг асосчиси Георгий Димитров номига қўйилган кўлохда бўлишди.

Болгариялик дўстлар ҳўжалигини диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар. Кўлох музейида, болгар-совет дўстлиги хоналарида бўлиб кўлохнинг экономикаси ва маданияти билан батафсил танишдилар. Кинооператор, экспедиция аъзо-

си Лазар Петров кўлох марказидаги диққатга сазовор жойларини плёнкага тушириш, журналист Борис Данков ва инженер Вячеслав Васильевскийлар кўлохнинг диққат, меҳмондўст кишилари билан суҳбат қилдилар. Димитров номли кўлох эвланиеси ранси А. Я. Ким ва кўлох партия ташкилоти секретари Л. Н. Пак ўртоқлар меҳмонларини кўлохнинг ўтгани ва ҳозирги аҳволи билан батафсил танишди.

Х. АХМЕДОВ.

ЛАГЕРЛАР ЧОРЛАЙДИ

Ҳадемай, ўқувчи ёшлар жоназон мактаблари билан хайрлашдилар. Улар йил давомида мактаб кучида куят билан ўқишди, билимларини оширишди. Мана энди серзақ ёғи таътил гашти бошланди.

Болаларнинг ёғи дам олишларини кўнглили ўтиши учун шаҳар маориф бўлими ходимлари лагерларни мавсумга тайёрлашда ибратли ишларни амалга оширишди. Бу йил мавсумда 73 та пионер лагерлари 70 мингдан ортққ ўқувчиларимиз дам олади. Айниқса, Тошкент областининг Хумсон, Оқтош, Бурмулла, Бўстонлик, Олмалик каби манзилгоҳларида жойлашган лагерларда пухта ҳозирлик кўрилади.

— Бу йил ўқувчиларнинг кўнглили дам олишлари учун бор имкониятларни ишга солидик. Шаҳардан ташқари ва районимиздаги сўлим мактаблар кучида 16 мингдан ортққ ўқувчилар ҳордиқ чиқарадилар,— дейди Чилвонзор район

халқ маориф бўлимининг муdiri Султон Аҳмедов.— Райондаги 22 та мактабда пионер лагерлари уч сменада иш олиб боради. Шаҳардан ташқаридаги «1-Май», «Орленок», «Костёр», В. И. Ленин номли пионер лагерлари ҳам ўқувчиларни кутмоқда. Бундан ташқари райондаги турар жой бинолари қошида, соя салқин хибоналарда ҳам болалар майдончалари ташкил этилиб, бу ерда кўнгли очар ўйинлар ташкил этилади.

С. СУЛТОНОВ.

БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи-муҳбирлар университетини тингловчиларининг навбатдаги машғулот 26 май — жума кун ы ўтказилади.

Редактор

А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ВА Эълонлар

«НОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кун, дўз ва кечурун).

Набриола — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

Рус даласи (кундуз соат 11, 12, 1 ва 5 да), Дзурия (кундуз соат 2 ва 3 да), Юлдуз жилоси (кеч соат 8 ва 8 да), Ота (кеч соат 7 ва 9 да): «СПУТНИК».

ЭЗГИ БИНОДА

Эль Грено — «ХИВА».

5 июнь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биология фанлари бўлимининг ботаника профессори бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Ф. Хўнаев кўчаси, 28-уй)да биология фанлари кандидати илмий да-рналирини олиш учун

Х. М. Қирғизбоев: «Тошкент областининг сув хавзаларининг микрофлораси» деган темада:

И. М. Азимжимонова: «Ўзбекистонда менали дарахтларининг вертициллес (сўлиш) касаллиги» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ

ЕҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўраев кўчаси, 1-уй)да танишиш мумкин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газети редакциясига МАЛАКАЛИ МАШИНИСТИКА

КЕРАК

Адрес: Правда Востока кўчаси, 26-уй, 4-қават, 85-хонага учрашиш. Телефон № В-34808.

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 27, 28 МАЙ КЕЧ СОАТ 8 ДА БУТУНИТТИФОҚ «ОКТАБРЬ 40 ЙИЛЛИГИ» ФЕСТИВАЛИ ХАМДА БУТУНИТТИФОҚ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИ ЛАВРАТИ «ШОДЛИК» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: САЯФИ ЙУЛДШЕВ, ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА, БОЛТА ШАРИПОВ; Солистлар: Дилором ҚАЮМОВА, Гулшод ОТАБЕКОВА, Аҳмад ШУКУРОВ, Назира ШЕРАЛИЕВА, Қодир МУМИНОВ, Хотам ХУНАЕВ, Роза КАКУРИЕВА, Турсун ГИЕСОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚОЛГУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Ансамблининг бадий раҳбари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳаним НИШОНОВ.

Ансамбль хормейстери Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Абдулҳақор СУЛТОНОВ.

Музика раҳбари — Тельман ҲАСАНОВ.

ПРОГРАММАДА: Ўзбек совет композиторларининг асарлари, шарқ халқларининг ашула, музика ва рақслари ҳамда мақомлардан парчалар, катта ашулалар.

Программани — Уткир СИДИҚОВ олиб боради.

Билетлар концерт асли кассасида кундуз соат 2 дан со-тилмақда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 04215. ИНДЕКС 64697. Б. 1757.